
ДАНҒАРА ТУМАНИДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА.

Данғара тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича туман умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари иштирокида муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи Илхомжон Махмудов томонидан ижтимоий соҳа объектларидаги иситиш тизимларидан тўғри фойдаланиш ҳамда куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар бериб ўтилди.

Шунингдек ушбу йиғилишда туман ҳокими иштирок этиб, Фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан ижтимоий соҳа объектларида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича мутассадди ташкилот раҳбарларига вазифалар белгилаб берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-10-05 13:22:38